Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
21 сентябрь
ЧОРШАНБА

№ 75
(12.399)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz



Вилоят ҳаёти

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ

Юртимизнинг 20 йиллик тўйи муносабати билан Кавардон қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти қуриб, фойдаланишга топширилди.

Беш ой давом этган қурилиш ишларига жами 270 миллион сўм маблағ сарфланди. Пунктда дорихона ҳам иш бошлади. "Илҳом Замин" хусусий корхонаси қурувчилари бунёд этган замонавий услубдаги муассаса барча зарурий жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминланган.

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

САНЪАТ СИРЛАРИНИ ЎРГАНИШЯПТИ

Газалкент шаҳридаги мусиқа ва санъат мактабида қайта реконструкция ишлари ниҳоясига етди.

Ташқи ва ички қиёфаси бутунлай янги кўриниш касб этган таълим масканида ёшларнинг билим эгаллашлари учун барча қулайликлар муҳайё. Ҳозир бу ерда 250 ўғил-қиз ўзлари ёқтирган машғулотлари билан шуғулланиб, соҳа сирларини мукаммал ўрганмоқдалар.

ПИСКЕНТ ТУМАНИ

ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ СОВҒА ҚИЛИНДИ

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши уюштираётган маънавий-маърифий тадбирлар, хайрли ишлар давом этмоқда.

Жумладан, 79-мактаб-интернатда ҳам шундай тадбир ўтказилиб, 30 тарбияланувчига турли ўқув қуроллари топширилди. Шунингдек, тадбирларни ташкиллаштиришда фаол иштирок этган Навоий, «Митан» маҳаллаларидаги 15 нафар ёшларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ирода МАҚСУД қизи.

ЁЛҒИЗЛАР ЭЪТИБОРДА

Туманда Вазирлар Маҳкамасининг қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш мутасадди идоралар томонидан назоратга олинган.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Қизил Ярим ой жамияти туман кенгаши вакиллари ўзгалар парваришига муҳтож ва рўйхатга олинган 12 кекса ва ногирон фуқаролар ҳолидан хабар олдилар.

Нуроний отахон ва онахонларга байрам совғалари топширилди.

М. РУСТАМОВА.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

ЖАМҒАРМАНИНГ ХАЙРЛИ ЁРДАМИ

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи учрашув ва маданий тадбирлар ўтказмоқда.

Тиббий-ижтимоий патронаж тизими шифокорлари Чирчиқдаги ҳарбий қисмда аскарлар ва уларнинг оила аъзоларини чуқур тиббий кўрикдан ўтказишди. Дори-дармонлар ва санитария-гигиеник воситалар бепул тарқатилди.

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент вилоятининг ОИТС-га қарши кураш маркази билан ҳамкорликда тумандаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ҳамда маҳаллаларда ОИВ инфекцияси ва гиёҳвандликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзи юзасидан тушунтириш олиб бормоқда. Ҳозиргача саккизта мактабда шу мавзуда давра суҳбатлари ўтказилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

ПАХТА – 2011

ҚЎШҚАТОРНИНГ ШАРОФАТИ

Эрта кўкламда вилоятнинг аксарият фермерлари чигитни қўшқаторлаб экиш ҳаракатини бошлашганда пискентлик фермер Акром Ҳошимов ҳам бу янгиликка ҳеч иккиланмай, дадил қўшилди. 26,1 гектар майдоннинг деярли ҳаммасига қўшқаторлаб чигит қадади.

– Аслида бу усул янгилик эмас, – дейди фермер. – Тажрибали деҳқонлар илгари ҳам бу усулни кўп қўллашган. Гап шундаки, қўшқаторда кўчат оддий усулдагига нисбатан қалинроқ бўлади. Демак, кўчат кўплиги боис ҳосилдан ютилади. Аммо, қўшқаторнинг ўзига яраша агротехникаси борлигини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади. Биз ўғитлаш, суғориш, қатор ораларини юмшатиш, шунингдек ён шохларни чилпишда шунга алоҳида эътибор қаратдик.

Қўшқаторнинг ўзига хос машаққатларини оқилона енгиб ўтган фермер хўжалиги пировард мақсадига эришди. Ҳамма майдонларда бирдек мўл ҳосил етиштирилди. Буёғи ҳосилни қисқа муддатда саранжомлаб олишни уддалашга боғлиқ бўлиб қолди.

Фермер йиғим-теримда қатнашиш мумкин бўлган ишчи кучларини олдиндан чамалаб, ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Хўжаликнинг 18 аъзоси оилавий бўлиб теримга отланди. Бундан ташқари, қишлоқдаги уюшмаган аҳоли ҳам қараб турмади. Ҳар куни 50-60 киши теримга чиқди. Қолаверса, далаларда ҳосилнинг қарийб 80 фоизи пишиб етилганидан сўнг ёппасига теримга тушилгани ҳам оқилона иш бўлди. Эътибор Қўлдошева, Лобар Бойматова, Камола Сотиболдиева каби чевар теримчилар хирмонга кунига 150 килограммдан ошириб пахта тўкдилар.

Қозонда бўлса, чўмичга чиқади, деганларидек терим бошланганидан сўнг роса бир ҳафта ўтгач, "Акром Валижон" фермер хўжалиги қабул пунктларига шартнома мажбуриятидаги 74 тонна ўрнига 100 тонна сифатли хом ашё топширди. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу баракали хирмон фақат биринчи терим ҳисобидан уюлди. Биринчи теримнинг ўзидаёқ гектаридан 38,3 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш унча-мунча фермернинг қўлидан келмайди.

– Шартноманинг бажарилгани терим тугади дегани эмас, – дейди фермер. – Ҳали иккинчи терим турибди. Меҳнатимиз сингган ҳосилнинг охирги мисқолигача йиғиштириб олмагунча, хотиржам бўлолмаймиз. Яна камида 15 тонна пахта топшириш имкониятимиз бор.

Дарвоқе, отни барвақт қамчилаган илғор фермер хўжаликлари давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятларини бирин-кетин бажармоқдалар. Ўнлаб фермер хўжаликлари шартномага қўшимча хом ашё топширмоқда. Бу ҳақда вилоят пахта штабига ҳар дақиқа хушхабарлар келиб турибди.

Штабдан маълум қилишларича, 20 сентябрь ҳолатига шартномасини бажарган фермер хўжаликлари ўттизтадан ошди. Қуйида ана шу илғорлар билан танишасиз.

Чиноз тумани

"Маҳмудов Зокир боғи", "Умид", "Мулла Али", "Абдукарим-Зуҳра файз", "Султон баёз", "Соф баракали чорва".

Қуйи Чирчиқ тумани

"Порлоқ Диёр Агро", "Зафар Паҳлавон Зафарович", "Қува".

Янгийўл тумани

"Жамол ота", "Нигора агросаноат", "Ҳамроқул Турсунқулов".

Бекобод тумани

"Чарос Боғ", "Хайрулло", "Маматқул ота", "Бойбўта", "Қулмуҳаммад", "Валиев Абдухалил".

Бўка тумани

"Тожинисо".

Пискент тумани

"Пўлатов Аҳмаджон", "Ширинова Ўғилой", "Омад Нуров", "Ширин Нур чорва", "Эргашев Аҳмаджон", "Генетика", "Содиқ чорва", "Мунаввар Исоқова", "Иноятов Бекзод", "Умаров Турдибой", "Акром Валижон".

СУРАТДА: фермер Акром Ҳошимов.

МЕҲНАТНИ ҚАДРЛАШ – ИНСОННИ УЛУҒЛАШ

Вилоят агросаноат ходимлари касаба уюшмалари кенгаши билан "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими пахта йиғим-теримида фаол иштирок этаётганлар ҳузурида бўлиб, уларга руҳий далда бермоқда. Яқинда бу икки ташкилот вакиллари Бўка тумани пахтакорлари ҳузурига ташриф буюришиб, кунлик суръатда энг юқори натижаларга эришиб, теримда карвонбошилик қилаётган фермер хўжаликлари аъзоларини эсдалик совғалари билан руҳлантиришди.

– Меҳнатни қадрлаш аслида инсонни улуғлаш демакдир, – дейди вилоят агросаноат ходимлари касаба уюшмалари кенгаши раиси Бахтиёр Холмирзаев. – Пахтазорларни айланиб, кўплаб фидойи теримчиларнинг меҳнати ҳар қанча қадрлашга муносиб эканлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бу гал олиб келган совға-саломларимиз тумандаги илғор "Абдували ота", "Зафар Тожикул", "Шерали Диёрфайз", "Мустақил Ўзбекистон", "Ашир-Шукур-Зариф", "Облоёр-Иномжонфайз", "Аброр Пўлат" фермер хўжаликларининг кунига 150 килограммдан ошириб пахта тераётган аъзоларига топширилди.

СУРАТЛАРДА: илғорларга совғалар топшириш пайти.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Аҳолининг саводхонлик даражаси – мамлакат ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги, маънавий баркамоллигининг муҳим кўзгуси. Зеро, ҳар бир юртнинг интеллектуал бойлиги ва ривожланиш истиқболлари айнан шу мезон билан ўлчанади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг расмий сайтида шундай маълумот бор: "Ўзбекистон аҳолининг ялпи саводхонлигига эришган. Аҳолининг саводхонлиги 1991 йилдаги 97,7 фоиздан 2003 йилда 99,3 фоизга етди. Ўрта махсус ёки олий маълумотга эга катта ёшли аҳоли 75 фоиздан ошди.

ХАЛҚИМИЗНИНГ БУЮК ЮТУҚЛАРИДАН БИРИ

Бошланғич ва ўрта таълим даражасида қамраб олинган қиз ва ўғил болалар сони ўртасида фарқ йўқ".

Эътиборли жиҳати шундаки, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Халқаро аҳолини рўйхатга олиш бюросининг маълумотларига кўра, мамлакатимизнинг бу борадаги кўрсаткичи Франция, Германия, Буюк Британия, Япония каби жаҳоннинг энг илғор давлатларидагидан ҳам анча юқоридир.

Бугун биз интеллектуал салоҳият тобора ривожланаётган даврда яшаяпмиз. XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Бироқ, сир эмас, жаҳоннинг бир қатор давлатларида турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар сабаб ҳамон кўплаб болалар таълим жараёнига тўла қамраб олинмаяпти. Маълумотларга кўра, айни пайтда, дунёдаги саводсиз аҳолининг учдан икки қисмини аёллар ташкил этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, юртимизда аҳоли саводхонлигининг қарийб 100 фоизга етиши, қизлар ва ўғил болаларнинг таълим жараёнига бирдек ва тенг қамраб олингани ҳамда уларнинг катта қисми олий маълумотга эга экани халқимизнинг катта ютуғидир. Бу Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк кунларидан баркамол, интеллектуал салоҳияти юксак, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган улкан ишларнинг беқиёс натижасидир.

(Давоми 2-бетда).

ХАВФСИЗ, САМАРАЛИ ВА ЭКОЛОГИК ТОЗА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институтида аграр соҳага биотехнологияларни татбиқ этиш истиқболларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги, Адлия вазирликлари масъул ходимлари, Фанлар академияси ҳамда Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимидаги муассасалар, олий ўқув юртлари олимлари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси М. Тешабоев, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш.Нурматов ва бошқалар юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аграр соҳани ислоҳ қилиш жараёнида илмий ишланмаларни ривожлантириш, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш учун кенг шарт-шароит яратишга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Олимларимизнинг изчил изланишлари самарасида пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачиликда биологик усулларни қўллаш орқали катта ютуқларга эришилмоқда.

– Дунёда рўй бераётган экологик ўзгаришлар – ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви, шўрланишнинг кучайиб бориши, эррозия ҳамда тупроқ деградациясининг ортиши биотехнологиялардан фойдаланишни янада кенгайтиришни тақозо этмоқда, – дейди Ўзбекистон Фанлар академияси микробиология институти директорининг ўринбосари Хуршида Ҳамидова. – Био, нано ва инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш табиий ва моддий ресурсларни тежашда муҳим ўрин тутади. Айниқса, чорва чиқиндиларидан ортиқча сарф-харажатларсиз зарур биоўғит ва биогаз ишлаб чиқариш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни оширувчи биостимуляторлар яратиш атроф-муҳитни чиқиндилардан тозалаш билан бирга иқтисодиётга катта фойда ҳам келтиради.

Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги институтлар, "Ботаника" илмий-ишлаб чиқариш маркази, Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон сабзавотполиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти сингари илмий муассасаларда биотехнология усулларидан кенг фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда биотехнологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлаётир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

ОЛИЙ СУДДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Польша Республикаси Олий суди биринчи раиси Станислав Збигнев Дабровски раҳбарлигидаги делегация аъзолари 19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил август ойида "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонларининг эълон қилиниши ва 2008 йил 1 январдан кучга киргани жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳолангани қайд этилди. Меҳмонлар давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида илгари сурилган ғоялар, унинг мазмун-моҳияти, концепцияда белгилаб берилган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш каби устувор йўналишлар билан атрофлича таништирилди.

Польшалик меҳмонлар мамлакатимизда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жаҳон андозаларига мослаб қабул қилинаётган кўплаб қонунлар, меъёрий ҳужжатларга юқори баҳо бердилар.

Музокарада икки мамлакат суд-ҳуқуқ идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, мазкур соҳадаги алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда тажриба алмашишни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни польшалик меҳмонлар Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишдилар, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар. Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Амир Темур ва темурийлар ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирдилар.

ЎзА.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Банклар ассоциациясида ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида ўтказилган танловлар юлибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури асосида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларни иш билан таъминлашда ёшларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида ўтказилган мазкур танловлар Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Микрокредитбанк", "Агробанк", "Ипотека банк", "Қишлоқ қурилиш банк", Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Марказий банки ва тижорат банклари билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жумладан, ёш тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, имтиёзли микрокредитлар олишига кўмаклашиш мақсадида 2008 йилда "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳаси ташкил этилган эди. Лойиҳа доирасида дастлабки йили 952 ёш тадбиркорга 1 миллиард 904 миллион сўм ажратилган бўлса, жорий йилда қарийб 1500 нафар йигит-қизга 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Чекка ҳудудлардаги ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб қилиш, яратилаётган кенг имкониятлар билан таништириш, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш ва қишлоқ инфраструктурасини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида 2009 йилдан буён "Агробанк" акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликда "Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор" танлови ўтказиб келинмоқда. 2009 йилда 1700 нафар иштирокчи орасидан 13 нафари ғолиб сифатида танланган бўлса, жорий йилда 2250 нафар иштирокчининг 61 нафари ғолиб бўлди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати матбуот хизматидан маълум қилишларича, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш мақсадида бу йил қўшимча равишда "Менинг бизнес ғоям" танлови ўтказилмоқда. Тўрт босқичли танловнинг сўнгги босқичида 972 нафар битирувчининг бизнес лойиҳаси кўрилиб, 132 нафар иштирокчига республика босқичига йўлланма берилди.

Тақдирлаш маросимида ўзининг аниқ бизнес-режасига эга 58 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчисига "Микрокредитбанк", "Агробанк", "Ипотека банк" ҳамда "Қишлоқ қурилиш банк"нинг бошланғич сармоя олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари топширилди. Танлов ғолибларига ажратилган кредитнинг фоиз ставкалари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан тўланади.

Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири.

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

Фермер хўжаликлари-ю, бошқа қишлоқ мулкдорларининг шаклланиш, оёққа туриш йўллари турлича. Ҳар бирининг ўз иш тутими, рисоласи бор.

– Гоҳида қишлоқдагилар фермер ҳам шундай бўладими деб кулгига олишади, – қатор мева дарахтлари орасидан борар эканмиз, Маҳкамбой оҳиста сўзлайди. – Кўпларнинг наздида фермер – тагида ЖИПу қўлида сотка, қўл остидагиларга буйруқ бериб, бақириб-чақириб юргувчи каттаоғиз бир киши. Тўғри, бундайлар ҳам бор. Ахир, айтадилар-ку, беш қўл баробар эмас деб. Лекин улар узоққа боролмайди...

«ҲАММАСИНИ ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛДИК»

Маҳкам Усмонов асл қишлоқ одами. Тиш-тирноғигача ер, тупроқ, деҳқончилик ошиғи. Қуруқ дашт ерлардаги давлат хўжалигида ер тузувчи ирригатор мақомида иш бошлаганига қирқ йилдан ошди. Бу ерлар мевазор боғларга айлантирилиб, "жой" қилингунича озмунча меҳнат қилишдими?! Учёғочда 200 гектар қир ерларга сув олиб чиқилишига бош-қош бўлди. Узумсойда 65 гектар майдонда суғориш тармоқларини барпо этгунича она сути оғзидан келди. Унинг лойиҳалари асосида хўжаликда катта-кичик қанча анҳорлар қазилди.

Музофотда янги ерлар ўзлаштирилиб, экинзорлар, юз гектарлаб боғ ва токзорлар барпо этилгач, эски Хандам ариғининг суви етмай қолди. Эл-юрт бирлашиб, Янги Хандам каналини қазишди. Лекин атроф маҳаллаларда сув жанжали тўхтамади. Ирригатор Маҳкамбой Усмонов бу муаммони бартараф этиш учун янги таклиф билан чиқди – ҳар бир бригада ва маҳалла учун алоҳида сув тақсимлагич қуришни таклиф қилди. Фикри маъқуллангач, канал бўйлаб 12 жойда барпо этиладиган сув тақсимлагич лойиҳасини тайёрлаб, бу мураккаб иншоотларнинг қурилишига ўзи бош бўлди. Барча ишлар якунлангач, ирригатор Маҳкамбой Усмонов "Урал" мотоцикли билан мукофотланди.

Кейинги йилларда мевачилик бўлимларидан бирини бошқарди.

– Ҳар тупдан бир тоннагача мева териб олинган йиллар бўлди, – сўзини давом эттирди Усмонов. – Беш минг тоннага етказиб ҳосил етиштирдик. Аммо асл меҳнат мустақиллик йилларидан кейин бошланди.

– Давлат хўжалигида оддий ишчи эдим, – суҳбатга қўшилди хонадон бекаси Хабира Усмонова. – Бир пайт қарасам, фермер хўжаликлари пайдо бўлиб, боғлар тақсимланиб кетаяпти. "Ўзимиз сув олиб келиб, ерни-ер қилсаг-у, наҳотки, ўз хўжалигимизни йўлга қўя олмасак" дедим. Аранг мана шу жойдан 2,5 гектар эски боғга эга бўлиб қолдик. Кекса дарахтларни кўпориб, янги кўчатлар экдик. Аллакаерлардан келиб ер олган "фермерлар" бирин-кетин тахта-ўқлоғини йиғиштиришди. Натижада хўжалигимизнинг экин майдонлари кенгайиб борди.

– Охири 3,7 гектарча майдонни эгаллаб, қамишқиёқ босиб ётган кўлни ҳам ўз тасарруфимизга олдик, – деди бугун "Шуҳрат" фермер хўжалигига раҳбарлик қилаётган Шуҳрат Маҳкамов. – Хўжалигимиз ҳозир 23,7 гектар майдонга эга. Бу йил 4 гектар буғдой экиб, 13 ўрнига 15,7 тонна ҳосил топширдик. 14,3 гектар боғимиз бор. 2,5 гектардаги олхўри ҳосил бера бошлади. Биринчи марта 7 тоннадан ошириб мева олдик. Ҳаммасини хорижга экспорт қилдик.

Хўжаликда оиланинг барча аъзолари бирдек меҳнат қилишади. Ҳатто, тўнғич қиз Маъмура ҳам "Мен – чеварман" дея четда қараб турмайди. Катта ўғил Қурбонхўжа агроном. Колледжа ўқувчи кенжа қиз Гулноза ҳам дала ишларида чапдаст.

Бирин-кетин набиралар ҳам сафга қўшилишаяпти. Қурбонхўжанинг ўғиллари Қобилжон билан Қосимжон боғлардаги ишларни кўлга олишяпти.

– Буни қарангки, ўзим 40 йил ичида сув чиқарган майдонлар қолиб, мана шу тепаликлар бағрида иш бошладик, – Маҳкамбой кулиб қўйди. – Ана, Янги Хандам канали ерларимиздан анча пастда шарқираб оқиб ётибди. Биз эса фермер хўжалигимиз ерларини суғориш учун бир километр юқоридан қувурлар орқали сув оламиз.

Меҳнат оғир бўлса, меваси ширин бўлади, дейдилар. "Шуҳрат" фермер хўжалиги оёққа туриб, бугун Паркент томонларда ном қозоняпти. "Ташаббус – 2010" кўрик-танловида "Энг яхши фермер хўжалиги" йўналиши бўйича туманда биринчи ўринни эгаллади, вилоятда соврин олди. Бу йил ҳам натижа кўнгилдагидек бўлаяпти.

– Фермерлар учун шу йили Қибрайда ташкил этилган ўқув машғулотларида қатнашиб, балиқчилик хўжалигини ташкил этиш тажрибасини ўрганиб қайтдим, – деди Шуҳрат. – Шу 3,7 гектар кўлни бир чеккадан тозалаб, балиқ чавақларини ташламоқчимиз. Балиқчиликни ҳам йўлга қўйиб олсак, ишларимиз яна ҳам юришиб кетади.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

«ТАРАҚҚИЁТ» – МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ

Бундан роппа-роса 10 йил олдин, яъни 2001 йилнинг августида асли касби муҳандис бўлган Абдуқодир Нодиров Озодлик қишлоғидаги қаровсиз 50 гектар ерни олиб, битта МТЗ-80 трактори билан фермерликни бошлаган бўлса, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги техникаларидан иборат шахсий паркига эга.

У бир неча йиллардан буён топган даромадини далаларида артезиан қудуқлари қазиб, сув чиқаришга сарфлаб келмоқда.

– Мана шу ер бағридан отилиб чиқаётган сув 70 метр чуқурликдан олинади, – дейди у. – Харажати 25 миллион сўм турадиган шундай 2 та қудуғимиз ёрдамида 30-40 гектарни сув билан таъминлаш мумкин. Шу имкониятларни ҳисобга олиб, яқинда Убайд қишлоғидан яна 22 гектар ер олдик. 15 аъзо билан 160 гектар жойда деҳқончилик қилиб, ризқ-насиба яратаяпмиз. Тошкент автомобиль ва йўллар институтини тугатгач, қатор йиллар совхозларда бош муҳандис бўлиб ишладим. Шукрки, истиқлол туфайли косамиз оқарди. Ўғилларимни ўқитдим, қанотимга киришди. Ҳозир ерларни уларга бириктирганман. Улар жамоа аъзолари иссиқ-совуғидан хабар олиб туришади.

Техника – деҳқоннинг қаноти, дейишади. Касби муҳандис бўлганлиги боис Абдуқодир фермернинг даласида сўнгги русумдаги техникалар ишлаяпти.

– Бу техникани яқинда келтирдик, – дейди ёнидаги тракторни кўрсатиб. – У "Ўзкейстрактор" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган "Нью Холланд" TS-130 трактори 104 миллион сўм туради. Оҳангарон туман "Ипотека банки" бошқарувига раҳмат. 14 фоизли кредит ажратди. Ундан 3 йилда қутулишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, меҳнатимиз ва даромадларимизнинг орқасидан ўтган 10 йил ичида 3 та занжирли, ВТ-150 трактори, "Енисей" комбайни, прицепли Т-28 трактори олдик. Ерга ишлов берувчи барча мосламатиркамаларимиз етарли. Келажакда Туркияда ишлаб чиқарилган картошка сеялкаси, ғалла учун зарур бўлган НРУ, ОДМ харид қилишни режалаштирганмиз.

Шунингдек чорвачиликни ривожлантириш мақсадида бино қуришга киришганмиз. Меваларни қайта ишлаш соҳасида ҳам омадимизни синаб кўрмоқчимиз. Шу мақсадда 200 туп ўрик, 200 туп Тошкент гилоси, 200 туп олма парваришлаяпмиз. Бундан ташқари, анжир, анор, узумларимиз бор. Такрорий экин сифатида картошка, сабзи, пиёз, фасол, қизил лавлаги экканмиз. Уларни сотиш юзасидан Янги Ангрен ГРЭСи, "Тошшаҳарматлуботсавдо" билан шартномалар тузганмиз. Пировард мақсадимиз яқин йиллар ичида қўптармоқли "Тараққиёт" қишлоқ хўжалик корхонасига эга бўлишдир.

Абдувоҳид БОЙМУРОДОВ.

1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ БУЮК ЮТУҚЛАРИДАН БИРИ

Албатта, бунга эришиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Боз устига, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган пайтда таълим тизимида талай муаммолар йиғилиб қолган эди. Собиқ тузум даврида ёшларни билимига қараб эмас, балки ҳукмрон мафкуранинг сохта ғояларига садоқатига қараб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойилига амал қилинарди.

Шу боис, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, ва касб-ҳунар ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга киришилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ғояси ва бевосита раҳнамолигида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури кенг миқёсда амалга оширилди. Унга асосан узлуксиз таълимнинг ноёб механизми яратилди. Таълим тизимининг жамиятдаги ўзгариш ва янгиланишлар, барча соҳаларда кадрларга бўлган эҳтиёж билан уйғун бўлишига эришилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизимига асос солинди. Юртимизнинг барча ҳудудларида, чекка-чекка қишлоқларда ҳам замонавий касб-ҳунар коллежлари, ёшларга пухта билим берадиган академик лицейлар барпо этилди. Истиқлолгача бизда умуман бўлмаган университет, институт ва академиялар ташкил этилиб, энг ноёб мутахассисликлар бўйича ҳам ўзимизда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммилли дастури асосида шаҳар ва қишлоқларда 7 минг 800 дан зиёд умумтаълим мактаби янгидан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Бугунги кунда юртимиздаги 10 мингга яқин мактабнинг барчаси замонавий қиёфа касб этди.

Баркамол авлодни тарбиялашдек улуғвор мақсадни амалга оширишда ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни беқиёс. Шу боис таълим тизими ислоҳотларида ўқитувчилар ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, билим ва малакасини ошириш муҳим ўрин тутади.

...Эсимда, 80-йилларнинг охирида ўқитувчилар мактабларда камнамо бўлиб қолди. Ўқувчилар севган ва қадрлаган устозлар дарсларга келмай қўйди. Кўплаб маҳоратли ўқитувчи ва мураббийлар бошқа соҳаларга ўтиб кетди.

Кейин билсак, ўша вақтларда ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш уларнинг истеъдоди ва касб маҳоратига қараб белгиланмас, иш ставкалари ойлик маошларига мос келмас экан. Устама ҳақларни белгилашнинг аниқ ва ошкора механизми йўқлиги ўқитувчиларнинг шахсий ҳиссаси намоён бўлмаслигига, мактаблар педагогик салоҳиятининг пасайишига сабаб бўлган...

Истиқлол йилларида салоҳиятли ўқитувчилар таркибини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамиятда ўқитувчилик касбининг аҳамияти ва нуфузини кўтариш, педагогларнинг турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилган ишлар ўзининг юксак самаралари кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда таълим тизими ходимларининг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилди. Ўқитувчиларга алоҳида устама ҳақлар жорий этилиб, педагогларнинг иш юкламалари мақбуллаштирилди. Натижада кўплаб тажрибали педагогларимиз ўз ишларини давом эттирмоқда. Ёшларимиз учун шарафли ва орзу қиладиган севимли касбга айланди.

Муқаддимада ифтихор ила тилга олганимиз – халқимиз саводхонлик даражасининг юқорилигида ана шу касб эгаларининг ҳиссаси беқиёс. Уларнинг жонкуярлиги, заҳматли меҳнати, билим ва малакаси туфайли бугун мамлакатимиз шундай муваффақиятларга эришмоқда. Юртимизда мустақил фикрли, азму шижоатли, Ватанига садоқатли авлод вояга етмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида бу эзгу ишларнинг улкан самараларини алоҳида таъкидлади: "Айни вақтда мустақиллик тарихига асло ўчмайдиган, ёркин саҳифа бўлиб ёзиладиган улкан марраларимиз қаторида шундай буюк бир ютуғимиз борки, унинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди. Мен буни замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган соғлом ва баркамол авлодимиз тимсолида кўраман".

Ҳа, мамлакатимиз таълим тизими ана шундай ғамхўрлик, алоҳида эътибор туфайли тараққий этмоқда. Бундай ишонч ва умид нафақат бугунги, балки келгуси авлодларнинг ҳам соғлом ва баркамол бўлишига хизмат қилади. Демак, Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлади.

Анвар САМАДОВ, ЎзА шарҳловчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ПОЕЗД ЙЎЛГА ТУШДИ

Тошкент темир йўл вокзалидан Қорақалпоғистон Республикасининг чекка ҳудудларига тиббий хизмат ва ижтимоий-гуманитар ёрдам кўрсатиш мақсадида "Тошкент – Тўрткўл – Мискин – Тошкент" йўналиши бўйлаб "Саломатлик" поезди жўнаб кетди.

Бундай хайрли ишларга "Соғлом авлод учун" жамғармаси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Жамғарма томонидан "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда анъанавий тарзда амалга оширилаётган "Саломатлик" поезди лойиҳаси юртимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолига, оналар ва болалар, фертиль ёшдаги аёллар, шунингдек, ногиронларга тиббий, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни турли хасталиклардан ҳимоя қилиш, замонавий диагностика аппаратлари орқали ташҳис қўйиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоя га муҳтож қатламини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етишига хизмат қилади.

"Саломатлик" поездида аҳолининг тиббий ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига, ногиронларга, боқувчисини йўқотган кўп болали оилаларга, шунингдек, жойлардаги тиббиёт муассасалари, мактаб-интернатлар, мактабгача таълим муассасаларига гуманитар ёрдам бериш режалаштирилган.

ЎзА.

ЭНЕРГЕТИКА ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Тошкентдаги Ўзэкспомарказда 21-23 сентябрь кунлари UzEnergyExpo-2011 6-халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтади.

Ушбу тадбир ўзи ичига энергетика, энергия ҳамда ресурсларни тежаш технологиялари, қайта тикланувчан энергия воситалари технологиялари, электр жиҳозлари кўргазмаси ҳамда нефть ва газ мажмуалари учун жиҳозлар кўргазмаларини қамраб олган.

Бутун дунёда бўлгани каби ёқилғи-энергетика соҳаси мамлакатимизда ҳам саноатнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Қайси бир соҳа бўлмасин, хоҳ у саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги... буларнинг барчаси электр ва ёқилғи тармоғисиз ривожланмайди. Шу боис ҳам мамлакатнинг энергетик мажмуаси иқтисодиёт ривожида муҳим ўрин эгаллайди.

Кўргазма ҳамкорлар, маҳсулотни етказиб берувчи компаниялар вакиллари ҳамда истеъмолчилар учун бевосита алоқа қилиш имконини беради. Кўргазма ташкил этилишининг долзарблиги ҳам шунда. Унда энергетика, энергияни тежаш, электротехника соҳасидаги жиҳозлар, технология ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар ҳамда нефтни қайта ишлаш анжомлари ва таҳлилий ҳамда назорат-ўлчов ускуналарини ишлаб чиқарувчилар ўзларининг хизматлари, маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Ушбу кўргазма экспозицияси соҳа мутахассислари эътиборига самарали ва замонавий жиҳозлар ва технологияларни тақдим этиш орқали мамлакатнинг энергетика комплекси олдида турган масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради, деб таъкидлашмоқда тадбир ташкилотчилари.

Кўргазмада Қозоғистоннинг "Кантауский трансформаторный завод" АЖ, юртимиздаги Европа ишлаб чиқарувчиларидан электротехника етказиб берувчи "Elektrik Koptakt", энергия етказиб берувчи асбоб-ускуналарни татбиқ қилиш билан шуғулланувчи "Energoteljash"МЧЖ, Екатеринбургнинг кенг спектердаги трансформаторларни ишлаб чиқарувчи "Группа "СвердловЭлектро", МДҲ ҳудудидаги ойна ва чинни изоляторларни ишлаб чиқарувчиси "Глобал Инсулэйтор Групп" МЧЖлари, Чувашия республикасининг "Ишлейский завод высоковольтной аппартуры" каби йирик компаниялар ўзларининг ускуналари ва хизматларини тақдим этишмоқда.

Кўргазма доирасида мутахассислар учун "Dijital Angel" компанияси томонидан "ЭНБАТ. M2Mgate EnergyMeter маълумотларини ўтказиш учун инновацион Россия-Германия ечими" мавзусида семинар ҳам ўтказилади.

Мазкур тадбир IEG Uzbekistan, "Ўзбекэнерго" ДАК, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Республика ФА Энергетика ва автоматика институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА, "Туркистон-пресс".

БАРҚАРОР ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Пойтахтимиздаги Миллий саньат маркази Озарбайжон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари таклиф этилди.

Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулодда ва мухтор элчиси Намиг Аббосов, Ўзбекистон Миллий санъат маркази директори Эльмира Аҳмедова ва бошқалар истиқлол йилларида Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги ҳамкорлик янги тараққиёт босқичига кирганини таъкидлади. Икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Икки халқнинг дўстона муносабатлари барча жабҳаларда, жумладан, маданий-маърифий йўналишда ҳам изчил ривожланмоқда. Озарбайжонда ўзбек киноси кунлари, санъаткорларимизнинг концертлари, мусаввирларимизнинг асарлари кўргазмаси ўтказилди. Озарбайжон санъат намояндалари юртимизда ўтказилаётган "Шарқ тароналари" фестивали, халқаро бадиий ва фотобиеннале лар, кино анжуманларида, санъат ҳафталикларида фаол иштирок этмоқда.

ЎзА.

■ ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ БИЛАН БЎЙЛАШГАН МЕРОС

Археологлар Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари оралиғидаги ёдгорликлар ҳақида ўзларининг илмий ишларида кўп ёзишган. Бу икки дарё ҳавзасидаги маданий мерос улкан маънавий ва албатта, иқтисодий дунёқараш салоҳиятини ўзида акс эттиради. Бу бойликни жаҳон маданиятининг энг юксак тараққиёти омиллари қаторига қўйиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам бу минтақадаги ёдгорликлар тарихни яратган меросларидан. Икки дарё оралиғидаги ушбу қадимий ёдгорликлар Шош-Илоқ давлати буюк тарихининг юрагидир. Шу билан бирга унинг негизи, бутун борлиғи, мазмун-моҳияти ҳамдир.

Шу минтақада тер тўкиб ишлаган археологларга чексиз миннатдорчилик изҳор этмоқ лозим. М. Массон, Я. Ғуломов, А. Тереножкин, А. Муҳамаджонов, М. Қосимов, Ю. Буряков, А. Асқаров, Р. Сулаймонов, У. Исломов, О. Ростовцевнинг номлари аллақачон бизнинг маданий меросимиз мулкига айланган. Уларнинг айримлари ҳаётдан кўз юмганлар. Аммо, бошқалар бугунги кунда ҳам самарали меҳнат қилаяптилар. Мен, ушбу сатрлар муаллифи Ю. Буряков, А. Асқаров, А. Муҳамаджонов, У. Исломов ҳаммамиз учун азиз устозлар дея фахр билан таъкидлашни истайман.

Биз бугунги ҳикоямизда Юқори Чирчиқ туманидаги қадимий Қирқбўрон ёдгорлиги ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бу кўҳна шаҳар харобаси Қизилсой ва Қорасув дарёлари қўшиладиган ердан 500 метр нарида жойлашган. А.Тереножкин 1940 йилда уни вилоятимиз харитасига киритди. 1953 йилда бу ерда М. Филанович ва М. Пачос қазилма ишларини олиб боришди.

Қирқбўрон харобаси тўғри бурчакли тепалик кўринишида бўлиб, қаср сифатида кўтарилиб борган. Тадқиқотлар давомида турли хил идишлар, икки бошли қўчқор ва новвос шаклидаги ҳайкалча тагликлари топилди. Ушбу топилмалар IV-VII ва X-XII асрларга таллуқли эканлиги аниқланди.

Қирқбўрон билан ёнма-ён яна битта номсиз шаҳарча харобаси бор. У халқ орасида "Қўшдарё" қадамжоси номи билан машҳур. Кўп йиллардан буён бу ердан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Улар узоқ ўтмиш аждодлари хотирасини ёдга олиб, кўнгилларига таскин беришни истаб келишади бу жойга.

Ривоятларга қараганда, бу ерга эътиқод учун курашда ҳалок бўлган буюк аждодларимиз дафн этилганлар.

Ҳикоя қилишларича, Қорасув ва Қизилсой дарёлари сойликларида қақшатқич жанг бўлган. Шаҳид кетган уруш қаҳрамонлари шу ернинг ўзига дафн этилган. Орадан бирмунча вақт ўтиб эса, бу ерда мўъжазгина ўрмонча барқ уриб ривожланади. Дарахтлари шу даражада бақувват ва улкан эди-ки, гўё баҳодирларни эслатарди.

Бу жойлар ҳайратомуз даражада сокин ва гўзал. Бутун борлиқ бир маромда хотиржам нафас олади гўё. Бир вақтлар қаровсиз ташлаб қўйилган бу жойларга эндиликда чиройли гулхонаю гулзор жон ато этмоқда. Уларни ушбу қадамжонинг асровчиси Бахтиёр Ёқубов меҳриштиёқ билан экмоқда, парваришлаб ўстирмоқда. Бу ёш йигитнинг юраги тоза, феъли кенг. Сармояси йўқ бўлса-да, ҳеч нарсадан шикоят қилмай, одамлардан бирор нима тиламай, гўзалликда ноёб гулларни экиб, меҳр билан парвариш қилмоқда. Унинг сеҳрли қўллари жон ато этаётган гуллар туп қўйиб, палак ёзиб, чаман бўлиб очилаяпти.

Ушбу тарихий қадамжонинг кенг ҳудуди жиддий эътибор ва алоҳида ёндошувни талаб этмоқда. Энг муҳими – қадимий деворларни бузиб ташламаслик, бу ерларни экин майдонларига айлантирмаслик. Кўпинча бизнинг лоқайдлигимиз, фидойи зоҳидларнинг сўзларига қулоқ солмаслигимиз ёки уларни эшитишни истамаслигимиз оқибатида озмунча қадимий ёдгорликлар, ноёб маълумотлар йўқ бўлиб кетмади, ахир. Уларни қайта топишнинг иложи бўлмаслигини наҳотки тушунмасак!

Ноёб Қирқбўрон – Кўшдарё тарихий зонаси буюк тарих китобининг яна бир ёрқин саҳифасидир. Гарчи бунга ортиқча тўсиқлар монелик қилмаётган бўлса-да, биз уни охиригача "ўқиб" чиққанимиз йўқ ҳали. Шундай экан, келинглар, уни биргаликда ўқиб, уқиб олайлик. Токи, қадимий ёдгорликларга нисбатан кўнглимиз совумасин, хотирамиз хира тортмасин. Шунда ҳар бир юракда ёрқин гуллар япроқ ёзади. Худди Бахтиёрнинг яратувчан қўлларидан баҳра олгандек. Ана шунда буюк аждодларимиз хотираси билан виждонимиз оралиғидаги йўлга гуллардан поя ндоз тўшалади.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.

■ ҚАРОР ВА ИЖРО

ОГОҲЛИК – СОҒЛОМ ҲАЁТ ГАРОВИ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, халқимизнинг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Жумладан, юртимизда хавфли ОИТС касаллиги тарқалишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 26 декабрда имзоланган "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январда тасдиқланган "ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда 2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар Миллий режасининг қабул қилиниши бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаяётганидан далолат беради.

Ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида Тошкент вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳоли ўртасида ОИВ/ОИТС касаллигига қарши курашиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, аҳоли, айниқса, ёшларни ушбу хавфдан асраш ва ҳар томонлама соғлом, баркамол этиб тарбиялашга алоҳида этибор қаратилмоқда.

Айни пайтда Тошкент вилояти ОИТСга қарши кураш марказининг шаҳар ва туманларда саккизта туманлараро ОИВ диагностика лабораториялари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ОИТСга қарши кураш маркази лабораторияларида ва туманлараро ОИВ диагностикаси лабораториялари томонидан жами 73 минг нафардан ортиқ шахс ОИВ инфекцияси бўйича текширувдан ўтказилди.

Дарҳақиқат, касаллиги аниқланганларнинг асосий қисмини гиёҳвандлик домига тушиб қолган, ахлоқий жиҳатдан пала-партиш ҳаёт кечирадиган кимсалар ташкил этади. Айни пайтда улар қатъий назорат остига олинган бўлиб, зарур дори-дармонлар, тиббий воситалар билан таъминланмоқда.

ОИТСнинг олдини олиш, унга чалинганларга ёрдам кўрсатиш соғлиқни сақлаш муассасалари, тиббиёт ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Шу боис ОИВ инфекцияси бўйича эпидемиологик вазият вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда вилоят Давлат санитария ва эпидемология назорати марказининг ҳафталик йиғилишларида мунтазам муҳокама этиб борилмоқда. Маҳаллий ҳокимликлар, хотин-қизлар қўмиталари билан меҳнат мигрантлари, уларнинг оила аъзолари, никоҳланувчилар орасида ОИВ инфекциясининг олдини олишга қаратилган ишлар кучайтирилмоқда. Бу борада шаҳар ва туман ҳокимликларида семинарлар ўтказилмоқда.

Тиббиёт ходимларининг ОИВ/ОИТС бўйича билимларини ошириш мақсадида вилоят ОИТСга қарши кураш маркази мутахассислари томонидан Оққўрғон, Юқори Чирчиқ, Паркент, Бўстонлиқ, Бекобод туманлари ва Ангрен, Чирчиқ, Бекобод, Олмалиқ шаҳарлари тиббиёт бирлашмаларида "ОИВ/ОИТСнинг долзарб муаммолари" мавзусида семинар-тренинглар ўтказилди ва уларга олти юз нафар тиббиёт ходими қамраб олинди.

– Ушбу касаллик бўйича рўйхатга олинган беморлар тиббий дори-дармон ва керакли воситалар билан таъминланади, уларнинг жисмоний ва руҳий ҳолати мунтазам равишда текширувдан ўтказиб турилади, – дейди вилоят ОИТСга қарши кураш маркази раҳбари Қобулжон Муҳаммедов. – 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги мавжуд 26 та "Ишонч хонаси"га мурожаат қилган шахсларга зарур дори-дармон ва ҳимоя воситалари тарқатилди. Шунингдек, Республика ОИТСга қарши кураш марказидан умумий қиймати 60 миллион сўмликдан ортиқ тест-системалар жамланмаси олиниб, соғлиқни сақлаш бошқармасининг доимий фаолият юритувчи комиссияси томонидан вилоятдаги мавжуд лабораторияларга тақсимлаб берилди.

Олмалиқ шаҳрида ҳам туманлараро ОИВ диагностика лабораторияси фаолият кўрсатмоқда. Мазкур лаборатория барча зарур тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган.

– ОИВ диагностика лабораторияси Олмалиқ шаҳри, Оҳангарон ва Пискент туманлари аҳолисига хизмат кўрсатади, – дейди лаборатория мудири Гулнора Ортиқбоева. – Лаборатория биноси ўтган йили тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Шаҳар тиббиёт бирлашмаси томонидан барча зарур дори-дармон воситалари етказиб берилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 8 минг нафардан ортиқ фуқаро кўрикдан ўтказилди. Аниқланган касалликлар бўйича тегишли тартибда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, касалликни даволашдан кўра олдини олган афзал. Шу боис ОИТС, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари, тиббиёт ходимлари, мутахассислар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари иштирокида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бу борада вилоят прокуратураси, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда махсус дастур ишлаб чиқилган. Вилоятдаги лицей, коллеж ва мактабларда тегишли ташкилот ва муассасалар вакиллари иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, бундай иллатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва аянчли оқибатлари ўқувчиларга атрофлича тушунтирилмоқда.

Азалдан маҳалла эзгулик, ахлоқ-одоб, умрбоқий қадриятлар бешиги бўлиб келган. Мустақиллик йилларида жамиятимиз ҳаётида маҳаллаларнинг мавқеи, ўрни ва аҳамияти янада мустаҳкамланди. Юқорида қайд этилган жирканч иллатларнинг олдини олиш, айниқса, ёш авлодни уларнинг таъсиридан асрашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлик ўз самарасини беради.

Бундай чора-тадбирлар замирида аҳолини, айниқса, ёшларни соғлом турмуш сари интилишга рағбатлантириш мақсадлари мужассам. Бу борада ҳар бир фуқаронинг огоҳ ва ҳушёрлиги соғлом ҳаёт гарови бўлиб хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
ЎзА мухбири.

■ ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

«ПОРАХЎР» ВАЗИФАСИНИ ВАҚТИНЧА БАЖАРУВЧИ

Мамасоли Боубеков 2010 йилнинг июнида почта алоқаси Оҳангарон узелига мудир вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланди. Энди у зоҳиран янги лавозимда ташаббус кўрсатиши, қўл остидагилар билан чиқишиб ишлаб кетиши, ўз вазифасини ҳалол бажаришга астойдил киришиши лозим эди. Шунда, бироз камситадиган "вазифасини вақтинча бажарувчи" ибораси тез унут бўлиб, ўрнини том маънодаги "мудир" сўзига бўшатиб берган бўларди.

Афсуски, "в.в.б" мудир бундай қилмади. 53 ёшли М. Боубековнинг очкўзлик касали яна ўзини кўрсатди. Апрель кунларидан бирида Сауле Сариевага (исм-шарифлар ўзгартирилган) томдан тараша тушгандек қилиб, иссиққина ва ёғли жой – Оҳангарон туманидаги алоқа бўлимларидан бирига бошлиқ бўлишни таклиф қилди. Гап орасида, одамлар шу лавозимга тайинлашимни сўраб келавериб, хонамнинг эшик турмини бузишяпти, аммо мен бу жойни ўзимизга яқинлар учун асраб турувдим, деган сўзларни ҳам қистириб ўтди.

Муваққат мудир ўзининг бу "холис хизмати"ни ярим миллионга баҳолади. Лекин, кулгили жиҳати шундаки, Мамасоли Ермекбоевич ҳеч кимни ишга қабул қилолмайди – Меҳнат Кодексига мувофиқ бу тақиқланган. Дарвоқе, порахўр аввалига миллион сўм талаб қилди. Аммо кетидан Сауле билан иккисининг "қони бир" эканлигини айтиб, 500 минг ҳам бўлаверади, дегандек қилди.

Шу ўринда Мамасоли Боубековнинг "портретига чизгилар" келтириш зарур кўринади. У икки карра олий маълумотли – (Тошкент ирригация ва мелиорация ҳамда молия институтларини битирган). Меҳнат фаолиятини анча илгари – 1980 йилда бошлаган. Иқтисодчи, иқтисод бўлими мудири, омбор мудири, касса мудири, Қуйи Чирчиқ тумани банк соҳасида унданда масъулиятли лавозимларда ишлади. Аудиторлик компанияси вилоят бўлимида уч йил аудиторлик қилди. Ушбу "ранг-баранг ҳаёт йўли"га қараб туриб, ўйлаб қоласан. Почта алоқаси узелининг собиқ в. в. б. мудири таъмагирлик касалини катта маблағлар айланиб юрадиган ўша жойларда юқтириб олмаганмикин? Ахир, одам ҳе йўқ, бе йўқ, бир думалаб порахўр бўлиб қолмайди-ку!

... Хуллас, порахўрлик вазифасини вақтинча бажарувчи М. Боубековнинг қисмати қанчалик аянчли бўлса, шунчалик қонуний ҳам бўлди. Порани олаётганда тегишли органлар ходимлари уни қўлга туширишди. Бу ёғи маълум – суд жараёни узоқ давом этмади. М. Боубеков қамоқ муддатини умумий тартибдаги колонияда ўтказиш шарти билан 7 йилга озодликдан маҳрум этилди. Бундан ташқари, порахўр икки йил давомида раҳбар лавозимларда ишламайди. Қамоқда ўтириб чиққанидан кейин, албатта.

Сергей РАСУЛОВ.

ЭМЛАШ – ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ВОСИТАСИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, тиббий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган 1-14 ёшли болаларни қизамиқ ва қизилча касалликларига қарши эмлаш тадбирлари ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлардандир. Мазкур муҳим тадбир Тошкент вилоятида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди.

– Миллий эмлаш кунлари вилоятнинг барча таълим ва тиббиёт муассасаларида бўлиб ўтди, – дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош педиатри Раъно Ҳакимова. – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўмагида ўтказилаётган ушбу тадбир давомида вилоятимизда 680 мингдан ортиқ бола эмланди.

Вилоятда ушбу тадбирни юқори даражада ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан барча зарур тиббий ва техник чоралар амалга оширилди. Миллий эмлаш кунлари олдидан ҳудудлардаги тиббиёт муассасалари тиббий ходимлари учун ўқув-семинарлар ҳам ташкил этилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан олинган маълумотга кўра, эмлаш тадбирларида минг нафардан ортиқ махсус тайёргарликдан ўтган шифокорлар ҳамда патронаж ҳамширалари иштирок этди. Бу жараённи 789 пункт, 757 эмлаш ҳамда 8 мобиль бригада амалга оширди.

Эмлаш ишларига тиббиёт муассасалари ходимларидан ташқари давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролар йиғинлари вакиллари ҳам жалб этилди. Мактаб, мактабгача таълим муассасалари вакиллари тиббиёт ходимларига яқиндан кўмаклашишди. Эмлашнинг болалар саломатлигини асрашдаги аҳамияти ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатларида аҳолига кенг тушунтирилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади!

Олмалиқ шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Бекобод шаҳар давлат нотариал идорасида	1 нафар
Бўстонлиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Паркент туман 2-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Ўрта Чирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Юқори Чирчиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар
Янгийўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида	1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. *Комиссия номига ариза;*
2. *Паспорт нусхаси;*
3. *Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
4. *Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
5. *Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
6. *Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2011 йил 5 октябрь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

МАНЗИЛ:
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2011 йил IV чораги учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш (шу жумладан, захирага ғамлаш) бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:

1. Биринчи навли ун маҳсулотидан нон (ГОСТ 27842-88)
2. Биринчи навли ун маҳсулоти
3. Иккинчи навли ун маҳсулоти
4. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулоти (ГОСТ 779-55)
5. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти (ГОСТ 16351-86)
6. Сметана 30 фоиз (жир O'zDSt 1084-2005)
7. Творог 18 фоиз (O'zDSt 119-2003с)
8. Пишлоқ 45 фоиз (ГОСТ 7616-85)
9. Товуқ тухуми Д-1 (O'zDSt 626-2004)
10. Томат пастаси 30 фоиз (ГОСТ 3343-89)
11. Картошка (ГОСТ 7176-85)
12. Карам (ГОСТ 1724-85)
13. Маринадланган карам
14. Помидор (ГОСТ 1725-85)
15. Бодринг (ГОСТ 1726-85)
16. Кўкатлар
17. Маринадланган помидор
18. Маринадланган бодринг
19. Сабзи (ГОСТ 1721-85)
20. Лавлаги (ГОСТ 1722-85)
21. Пиёз (ГОСТ 1723-86)
22. Саримсоқ
23. Қовоқ
24. Шолғом, турп
25. Мевалар (олма ГОСТ 16270-70)
26. Қуритилган мевалар
27. Сок п/я (олмали ГОСТ 656-79, ГОСТ 16366-78)
28. Хамиртуруш
29. Дудланган гўшт
30. Компот консерваланган
31. Сомон
32. Пичан
33. Арпа, сули

Танловда қатнашиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар:
Гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификат, корхона низомидан нусха, паспорт нусхаси, лицензия ҳамда солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳамда мавжуд омбор (музлаткич) тўғрисида маълумотнома. 2011 йилнинг 30 сентябрь кунига қадар таклифларингиз қабул қилинади. Қўшимча маълумотлар учун тел.: 233-57-61, 236-02-82, 236-27-70. Манзил: Тошкент ш. А.Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Тошкент вилояти ҳокимлиги, 3-қават.

Утерянный аттестат о среднем образовании U № 0582958, выданный 20 июня 2003 года РМТМИ на имя Кулинтаева Досбека Халтурсиновича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО «PRIME INVEST PLUS» (ИНН 301928092), зарегистрированное хокимиятом г. Чирчика Ташкентской области № 3736 от 01.04.2011 года, расположенное по адресу: г. Чирчик, ул. Нодирабегим, д. 32, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя № 05 от 15.09.2011 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления по тел.: (+99897) 341-55-00.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан 2010 йил 26 апрелда 004234-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган (гуоҳнома рақами № 002747) «JO'RABOY BOTIR SAVDO» (ИНН 301592735) хусусий корхонаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино 1-мавзеси, 10-уй, 76-хонадонда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси якка тартибдаги иморатларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бошқармаси томонидан Юнусобод тумани 9-даха, 11-уй, 25-хонадонда яшовчи Азизова Насиба Каримджановна номига 2000 йил 8 майда TS № 0037772 серия билан берилган ҳисобга олинган турар жой ҳужжатининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО «INTERLANG-ELITE» (ИНН 300268457), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Х. Абдуллаева, д. 71, кв. 25, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение собственника № 1 от 20.09.2011 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления по тел.: 405-06-99.

XXI аср ва ДУНЁ

ҲИНДИСТОНДА ЗИЛЗИЛА ЮЗ БЕРДИ

Ҳиндистон, Непал ва Тибет чегараларида юз берган кучли ер силкиниши оқибатида 48 киши қурбон бўлганлиги ҳақида хабар тарқатди Associated Press агентлиги.

Полиция вакили агентликка берган маълумотларга қараганда, Ҳиндистоннинг шимоли-шарқидаги штатлардан бирида 6,9 магнитуда кучга эга зилзила оқибатида 25 киши ҳалок бўлди. Непал ва Тибетда эса 23 киши ҳаётдан кўз юмган.

AFP агентлиги эса Непалда 5 киши, Тибетда 7 киши ўлганлигини маълум қилди. Бундан олдинроқ The Times of India газетаси хабарида эса, Ғарбий Бенгалияда 6 киши, Бихар штатида 2 киши табиий офат қурбони бўлганлиги айтилганди. Умуман, бугунгача зилзиладан ҳалок бўлганлар Ҳиндистоннинг ўзида 33 кишига етди.

Қутқарувчилар қулаб тушган бинолар харобаларини тозалашни давом эттирмоқдалар, шунингдек, бир нечта ер кўчкилари оқибатларини бартараф этишаяпти. The Times of Indianинг ёзишича, қутқарувчилар мамлакат шимоли-шарқидаги айрим олис туманларга ҳали етиб борганлари йўқ. Бинобарин, табиий офат қурбонлари кўпайиб бориши мумкин.

Зилзила ўчоғи Ҳиндистоннинг Гонгток шаҳридан 72 километр масофада бўлган. Мамлакат метеорология бошқармасининг хабарига кўра, биринчи силкинишдан сўнг ярим соат ичида яна уч марта – 5.7, 5.3 ва 4.6 магнитуда куч билан ер қимирлаган.

КАН ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА ҚАТНАШМАЙДИ

AFP агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, маиший ахлоқсизлиги учун суд тергови билан тортилган Халқаро валюта фондининг бошлиғи Доминик Стросс-Кан президент сайловларида ўз номзодини қўймайдиган бўлди.

"Ҳа, мен ҳақиқатан ҳам президент бўлишни хоҳлаган эдим, аммо ўз номзодимни қўймайман" деди у ҳибсдан озод қилинганидан кейинги биринчи бор Франциянинг TF1 телеканалига берган интервьюсида. Ўзининг гапига қараганда, сиёсий фаолиятини давом эттириш ҳақида обдон ўйлаб олиши учун вақт керак.

У ўзига қўйилган жиноий айблов ҳақида гапириб, "бу ахлоқий хатойим эди" деди ва ҳеч қачон бирор аёлни зўрлашга уринмаганини таъкидлади. "Бўлиб ўтган воқеанинг зўрлашга, ҳеч қандай жиноятга алоқаси йўқ" деди у.

Стросс-Канни жиноятчиликда айблашларидан аввал Франция президентлигига 2012 йилда бўладиган сайловларда у социалистлар партияси томонидан ўз номзодини қўйиши кутилаётган эди.

Ҳозирча номзодлар орасида партия раиси Франсуа Олланднинг рейтинги баланд бўлиб турибди. Амалдаги президент Николя Саркози эса оммавий машҳурликда ундан ортда қолаяпти.

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

ТЕННИС

ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган кучли ракетка усталари иштирокида ўтказилган "Тошкент опен – 2011" анъанавий халқаро теннис турнири якунланди.



Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) мусобақалари тақвимидаги нуфузли турнирлардан бири бўлган "Тошкент опен" истеъдодли теннисчиларни кашф қилишда муҳим аҳамиятга эга. Аввалги турнирларда кетма-кет икки маротаба бош совринни қўлга киритиш бирор спортчига насиб этмагани ҳам пойтахтимиз кортларидаги теннис беллашувлари доимо кескин ва муросасиз ўтишидан далолатдир.

Бу анъана жорий йилда ҳам давом этди ва "Тошкент опен – 2011" турнири бош совринини россиялик Ксения Первак қўлга киритди. Яккаликлар ўртасида биринчи рақамда сараланган истеъдодли теннисчи финалда чехиялик Ева Бирнеровани 6:3, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

– "Тошкент опен"даги ғалабам мен учун Хотин-қизлар теннис уюшмаси турнирларидаги дастлабкиси бўлди ва бундан жуда хурсандман, – дейди К. Первак. – Юксак савияда ташкил этилган турнир давомида биз, спортчиларни қўллаб-қувватлаб турган ўзбекистонлик теннис ихлосмандларидан миннатдормиз.

ЎзА.

ШАХМАТ

Тошкент вилоятида 20 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида Ўзбекистон чемпионати якунланди.

ЁШЛАР ДОНА СУРГАНДА

Қизлар мусобақасида совринли ўринлар учун кураш сўнгги тургача давом этди. Беллашувларни мағлубиятсиз якунлаган Сарвиноз Қурбонбоева жами 10 очко жамғариб, мамлакат чемпиони бўлди. Сарвиноз ўн уч учрашувнинг еттитасида рақибаларини мот қилди, олти партияда дуранг ўйнади. Сўнгги тур олидидан 8,5 тадан очко жамғарган Елена Вербова ҳамда Моҳинур Қаҳрамонова кумуш медалга даъвогарлик қилаётган эди. Ўн учинчи турда Елена Вербова Фарида Хурсановани мағлубиятга учратиб, иккинчи ўринни нақд қилди. Моҳинур Қаҳрамонова эса Мафтуна Рустамовага қарши партияда дуранг натижа қайд этиб, кучли учликдан жой олди.

Йигитлар мусобақасида Никита Хорошевга тенг келадигани топилмади. Истеъдодли шахматчи чемпионатни мағлубият билан бошлаганига қарамай, барча рақобатчиларини ортда қолдиришга эришди. Н. Хорошев ўн уч учрашувдан тўққизтасида зафар қучди, уч маротаба дуранг ўйнаб, жами 10,5 очко билан олтин медалга сазовор бўлди.

Яна бир умидли спортчи Элбек Алиқулов сўнгги турда Элбек Жумановга имкониятни бой берган бўлса-да, аввалги партияларда жамғарган 8,5 очкоси эвазига мусобақани иккинчи ўринда якунлади. ФИДЕ устаси Талгат Губайдулин эса охирги партияда Бобур Сатторовни мағлубиятга учратиб, 8 очко билан учинчи поғонадан жой олди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

НИГОҲ

Роғун ГЭСи: ҲАМ ХАЛҚНИ, ҲАМ ДИННИ ТАҲҚИРЛАШ

Тожикистон Республикаси раҳбарлари Роғун ГЭСи қурилиши масаласида яна бир жиддий бош оғриғига дуч келмоқдалар. Агар илгари бу баҳайбат гидроиншоотни барпо этишга қўшни Ўзбекистон қарши чиққан бўлса, энди Роғунга қаршилар сафи маҳаллий аҳоли, яъни тожикистонликлар билан тўлиб бораяпти. Бугун электр станцияси қуриладиган майдон ҳамда унга туташ жойлардаги ўн минглаб аҳоли доимий яшаб турган ерларини ташлаб, янги жойларга кўчишдан бош тортмоқдалар.

Мажбуран кўчирилаётганлар ташлаб кетаётган уйларининг ҳақиқий қийматини қайта ҳисоблаб чиқаришни ҳукуматдан талаб қилмоқдалар. Негаки, ҳукумат тавсия этаётган компенсация (товон) пулига бугунги вазиятда республиканинг бошқа туманларида нафақат участка сотиб олиш, балки рисоладагидек омборхона ҳам қуриб бўлмайди.

Эслатиб ўтмоқчимизки, Роғун ГЭСи қурилаётган Вахш дарёси Тожикистон раҳбарларининг режасига мувофиқ тўсиб қўйилиши муносабати билан яқин-атрофдаги аҳоли истиқомат жойларида яшаб турган 30 мингдан зиёд фуқарони мамлакатнинг бошқа шаҳар ва туманларига кўчиришга тайёргарлик кўрилмоқда. Улар яшаган жойда кейинчалик сув омбори барпо этилади.

Тожикистон ҳукуматининг фармонига мувофиқ 2015 йилгача Роғун шаҳри ва Нуробод туманидан 4726 оила кўчирилиши керак. Гап Сичароғ, Ҳакимий, Мусиҳарф, Комсомолобод, Самсолиқ қишлоқларида яшаб турган 30 мингдан зиёд аҳоли ҳақида бораяпти.

Бунинг устига маҳаллий ҳокимият кўчириладиган ҳар бир оилага ҳозир яшаб турган уй-жойлари компенсацияси учун 15 мингдан 45 минг АҚШ долларигача миқдорда пул тўлашни ваъда қилаяпти. Оддийгина арифметик ҳисоб-китоб ҳам кўрсатиб турибдики, агар аҳоли ҳақиқатан ҳам кўчириладиган бўлса, ҳозирги ҳукумат кўчирилувчилардан камида 100 миллион АҚШ доллари қарз бўлиб қолади.

Шу билан бирга давлатнинг кўчадиган аҳолидан қарзини узиш юзасидан тузаётган режаси ҳам жўн қилиб айтганда, жуда ғалати. Яъни ваъда қилинаётган пул маълум оралиқ муддатларда учта транш орқали тўланади. Дастлабки 30 фоиз пул кўчувчилар янги жойдаги бўлажак уйлари пойдеворини қуриб бўлганларидан сўнг уларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади. Кейинги 30 фоизи бинонинг ўзи қуриб бўлинганидан сўнг берилади. Пулнинг қолган қисмини эса, кейинроқ олишади.

Ижтимоий муҳофаза, аҳоли бандлиги ва миграция агентлигининг ишонтириб айтишича, кўчадиган аҳоли уй-жойларининг компенсация пули мутлақо ўзгача йўсинда тўланади. Яъни, кўчувчиларга аталган махсус сумма пул ҳали қуриб бўлинмаган ва шу боис ишга тушмаган Роғун ГЭСининг ҳар йиллик бюджетига қўйиб борилади. Бошқача айтганда, маҳаллий аҳоли эски уйлари пулини гидроиншоот ишга тушганидан сўнг келадиган фойда ҳисобидан дивидент сифатида бирданига эмас, балки аста-секин олиб борадилар.

Экспертларнинг фикрига қараганда, Роғун ГЭСи 2023-2027 йилларга бориб-гина фойда келтира бошлайди ва 20-24 йил давомида ўзини оқлайди. Вазиятга қараб хулоса қилинадиган бўлса, афтидан, кўчувчилар ўз уйлари пулини олиш учун ҳали узоқ кутишади.

Аммо, бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳукумат бу орада яна бир жиддий муаммони ҳал этиши керак. Маҳаллий аҳолининг асосий қисми ўз жойларини ташлаб кетишдан қатъий бош тортмоқда ва Роғун гидроиншооти қурилишига қарши чиқмоқда. Бунинг жиддий сабаби бор, албатта. ГЭС тўғони қуриб битказилганидан сўнг ўнлаб қабристонлар сув остида қолади. Уларда эса шу ерларда яшовчи аҳолининг қариндош-уруғлари дафн этилган.

Аҳолисининг 90 фоиздан кўпроғи мусулмонлардан иборат бўлган Тожикистон шароитида бундай хатти-ҳаракат куфр, яъни динни таҳқирлаш ва аждодлар хотирасига нисбатан ҳурматсизлик деб баҳоланади.

Роғун ГЭСи қурилиши билан боғлиқ бош муаммо айнан шундан иборат. Алоҳида таъкидлашни истардикки, ушбу гидроиншоот қурила бошлангандан буён маҳаллий ҳукумат бор-йўғи 1150 кишини кўчира олди, холос.

Мирзоали ИСМОНҚУЛОВ.
«Белый Парус», интернет-газета.

ЯРИМ ТОННА АЖАЛ УРУҒИ

Гонконг шаҳар полициясининг рекорд даражада кўп кокаинни қўлга туширди. Полициянинг расмий сайтида 18 сентябрь куни шундай хабар тарқатилди.

Дам олиш куни шаҳар полициясининг ходимлари бир нечта тумандаги омборхона ва аҳоли яшаб турган уйларда бир неча бор тинтув ўтказди. Тартиб-қоида посбонларининг кутилмагандаги саъй-ҳаракатлари ўз самарасини берди. Бир кунда 567 килограмм кокаин гиёҳвандлик моддалар билан шуғулланувчилардан тортиб олинди. Мусодара қилинган ажал уруғининг умумий қиймати 77 миллион доллар баҳоланди.

Тинтув жараёнида саккиз киши ҳибсга олинди. Улар 24 дан 55 ёшгача бўлган Мексика, Колумбия ва АҚШ фуқароларидир. BBS Newsнинг хабарига кўра, улардан олти нафари суд олдида жавоб бераяпти. Икки киши эса гаров эвазига озод қилинган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗИМ ЁМОНМАН

(Ҳажвия)

Каминангиз туман газетасининг пешқадам ходимларидан бўламиз. Жуфти ҳалолимиз эса ўша газетанинг анча пешқадам машинисткаларидан. Кўпроқ ҳажвий нарсалар машқ қиламиз. Фельетонларни Абдулла Қодирий билан Ғафур Ғулом даражасига етказолмасак ҳам кучимиз етган ергача олиб борамиз.

Эрталаб ишга келдиму корректор йигит билан икки қўл шахмат сурдим. Кейин нима ёзсам экан деб бошимни қашлаб ўтиргандим, шефимиз чақириб қолди. Кирдим.

– Шанба сонига битта ҳажвия ёзиб беринг, – деди шеф. – Мавзу эркаклар ҳақида бўлсин. Ёмонларни бир «дўппосланг».

– Кечирасиз-у, Тоир ака, ҳадеб эркакларни ураверамизми? Бечораларнинг соғ жойи қолмади-ку?

– Ураверинг, – деди шеф, – хотинларни танқид қилсангиз гапга қоласиз. Муҳаррир эркак бўлгани учун аёлларга кун бермаяпти дейишади.

Хуллас, муштипар эркакларнинг бошида икки кун калтак синдирдим. Қаҳрамоним Қодир Мирзаевич кўп ичади, ишини эплай олмайди, бировларнинг номини сотади, қарз олса, бермайди.

Ниҳоят ҳажвия битди. Уни оққа кўчириб, хотин пошшонинг олдига ташладим.

– Мана, хоним, ўқинг-чи, сизга ёқармикан. Оддий машинистка бўлсангиз ҳам дидингиз чакки эмас.

Хоним биринчи варақни ўқиди-ю, ялт этиб бетимга қаради.

– Ўзингдин чиққан балога қайга борай давога! – деди кесатиб. – Келиб-келиб менинг акамни ҳажвияга қўшдингизми? Сизга нима ёмонлик қилган эди?

– Қайси акангиз? – дедим тушунмай. Хотин тутоқиб кетди.

– Қодир акамлар-чи? Ишини эплай олмайди дебсиз. Эплай олмаса, райкультурага бошлиқ қилиб қўйишармиди? Мана, саккиз йилдан бери балодай ишлаб келаяпти.

– Ахир, хотинжон, сизнинг акангиз Қодир Мавлонович. Бу Қодир Мирзаевич. Райкультурада ишлайдиган одам адабиётни тушунар дейман.

– Акам адабиётни сув қилиб ичиб юборган. Лекин барибир ҳафа бўлади.

Хуллас, рафиқамнинг тазйиқи билан Қодирни Ботир деб ўзгартирдим.

– Бу бошқа гап, – деди хоним жилмайиб. Кейин "вой!" деб чинқириб юборди.

– Ҳм, нима бўлди?

– Биласиз. Ботиржон кўздай қўшнимиз. Ўзи ички қисқа бўлиб идорага кириб бордик. Ҳикояни хотиннинг олдига ташлаб, хонага кирдим. Бир айланиб чиқсам, хоним қоғозга қараб тумтайиб ўтирибди.

– Ҳм, хоним, кўчирмайсизми? Номерга тушиши керак. Хотин кўзига ёш олди.

– Кўчирмайман! Ўлган одамни ҳақорат қилгунча, мени ёзинг эди! Раҳматлик отамни гўрида ҳам тинч қўйманг!

Қарасам, Ҳусан қайнотамнинг исми экан.

– Майли, Ҳасан бўлақолсин, – дедим. Хотин бунга ҳам кўнмади.

– У амаким-ку? Умрида оғзига ароқ олган эмас.

– Хўп, ана Собир.

– Бўлмайди. Собир ўртанчи тоғамнинг ўғли. Яхши ерда ишларди, яқинда бўшади. Поччам пойлаб юрган экан дейди.

– Унда Тўлқин бўлсин, майлими?

– Майли-ю, лекин... Тўлқин холамнинг куёви-да. Божангизни ёмонласангиз айб бўлади. Тўйингизда уч кун тикка туриб берган.

Жаҳлим қўзиди. "Боринг, билганингизни қилинг, фақат тезроқ ёзинг" деб чиқиб кетдим.

Икки соатларда ҳикоя тайёр бўлди. Хотин Ҳусан Мирзаевични Искандар Зоирович деб ўзгартирибди. Қўрқиб кетдим. Зоир шефимизнинг акаси-ку! Хотиннинг калласи ишламаган-да. Дарров Зоировични Ғоибовичга айлантирдим.

Бўлим мудири ҳикоямга қўл қўйиб берди. У Искандарни Самандар қилибди. Муҳаррир ўринбосаридан кейин қаҳрамоним Тўйчи Муродович, муҳаррирдан кейин Сафар Эралиев бўлиб босмахонага тушиб кетди.

Босмахонадагилар қаҳрамонимга Бўривой Қорабоев деб исм қўйиб берибди. Корректура ўқилаётганда шеф чақиртирди.

– Бу қандай ўзбошимчалик? – деди жеркиб, – нега мен қўйган исмни ўзгартирдингиз?

– Мен эмас, ҳарф терувчимиз...

– Ие, у қачондан бери редакцияга хўжайин бўлиб қолди?

Муҳаррир хонасига бутун жамоани тўплади. Кўплашиб менинг нотавон қаҳрамонимга исм излай бошладик.

– Ўрмон Азизович, – деди кимдир. Шеф унга еб қўйгудек бўлиб қаради.

– Эс борми ўзи? Катта хўжайиннинг оти Азиз-ку?

– Омон Бердиевич.

– Бўлмасов, – чайналди фотомухбир, – Омон ака телефонларнинг хўжайини. Керакли одам.

– Нурмат Одилович...

Бунга муовин қарши чиқди:

– Нурматов молиянинг бошлиғи. Гумонсираб юрмасин. Шундоқ ҳам янги босмахонамиз чала ётибди.

Муҳаррир хуноб бўлди.

– Топинглар бўлмаса, нима деймиз? Одам Одамович деймизми?

– Тоир ака, топдим! – деб бақирдим, – қаҳрамонимнинг исмини Саъдулла Саъдуллаевич қўямиз.

Ҳамма кулиб юборди.

– Жим,– деди муҳаррир, – муаллифнинг гапига нима дейсизлар? Менимча у келишмаган гапни гапирди. Юқоридагилар ҳам ўйлашмайдими, редакция анархия бўлиб кетибди деб.

Касбдошларим чувиллаб менинг тарафимни олишди.

– Хўп дейқолинг, Тоир ака!

– Боланинг ўз гуноҳи ўзига.

– Газетага сенсация ҳам керак-ку?

Хуллас, кўпчилик устун келди. Тоир ака иккиланиб бўлса-да, корректурага қўл қўйди.

Ҳикоям босилиб чиқди. Биров табриклади, биров кулди. Саъдулладан бошқа от қуриб қолганмиди, деб хотин ласини бурди. Аммо гапнинг йўғони кейин чиқди. Душанба куни қабулхонада газета варақлаб ўтирсам телефон жиринглади. Телефон параллел эди, билмай гўшакни олиб қўйдим. Туманимиз каттаси экан. У Тоир акани сўроққа тута бошлади.

– Менга қаранг, сизда Саъдулла Саъдуллаевич деган ходим ишлайдими?

– Ҳа, ҳа, ишлайди, Азиз ака...

– Ўша болани газетга уриб чиқишибди-ку?

– Ким урибди? Қаерда?

– Ўзларингда.

– Э, бу ҳазил, Азиз ака! Ўзи ёзган. Ўз-ўзини танқид маъносида.

– Ўз-ўзини танқид бўлса, бу болани коллектив орасида муҳокама қилиб, чора кўриш керак! Матбуотда бунақа пияниста, эгоист ва ҳоказоларга ўрин йўқ. Сиз қандай чидаб келаяпсиз, ҳайронман.

– Тўғри-ю, Азиз ака, лекин... биласизми, бу фельетон эмас, ҳажвия, яъни адабиётда шунақароқ бир жанр...

– Адабиётни биз ҳам биламиз! Адабиёт ҳаётдаги бор нарсаларни ёзади. Гап тамом. Тезда ўша Саъдуллаев масаласини кўриб, қарорини бизга юборинг. Шахсан ўзимга!

– Хўп бўлади. Азиз ака... Алб... Албатта юборамиз...

Аввал у томонда, сўнг биз тарафда гўшак қўйилди. Мен эса гўшакни чангаллаганча қотиб қолдим.

Саъдулла СИЁЕВ.

КЎРГАЗМА

НАФОСАТЛИ АЁЛЛАР ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида рассомлар Искра Шин, Сайра Келтоева ва ҳайкалтарош Марина Бородинанинг шахсий кўргазмалари очилди.

Уч рассом аёл ўз асарлари орқали ифор, нафосат ва гўзал аёллар тимсолини, дунёнинг сирли ва мўъжизакорлигини, табиатнинг турфа рангларини, англаб бўлмас оний чизгиларини, табиат ва инсоннинг уйғунлигини кўрсатиб берганлар.

Искра Шиннинг кўргазмага қўйган асарларида нафақат республикамиз табиатининг гўзал манзаралари, йилимизнинг турли фасллари балки умуман табиатнинг кўплаб қирралари ҳаёт фалсафаси бутун борлиғи билан тасвирланган. Унинг меҳр билан яратилган "Тонг. Белдирсой", "Баҳор. Яккатут", "Баҳорда. Бурчмулла", "Бурчмулла. Булоқ", "Сижжак", "Чимён чўққиларида", "Бурчмулла. Уйча", "Сўқоқ тошлари", "Оқтош. Булоқ" каби асарларини томоша қилиш кишига завқ бағишлайди.

Рассом Сайра Келтоева Тошкент вилоятининг Кумушкон қишлоғидан. У Театр ва рассомчилик институтини дастгоҳли рангтасвир бўлимида машҳур рассом Раҳим Аҳмедовдан таҳсил олган. Ушбу кўргазмадаги жозибали шарқ аёллари ва этнографик безаклар билан бойитилган шарқона қиёфалар тимсоли ёрқин тасвирланган. Кўргазмадан шунингдек, унинг "Оқтош", "Оқтош. Сой", "Оқтошда қиш", "Оқтош. Қорли қўча" каби асарлари ҳам ўрин олган.

Ҳайкалтарош Марина Бородина республика рассомчилик билим юртида Л. Г. Рябцев устахонасида таълим олган. Рассомлар уюшмаси аъзоси. Унинг кўргазмага қўйилган "Бола портрети", "Тоғдаги қишлоқ", "Қушнинг туғилиши", "Моҳият", "Ҳолат", "Кушон оҳанги" каби асарлари томошабиннни мулоҳаза юритишга ундайди. Бу асарларда рассомнинг ҳаёт фалсафаси ўз ифодасини топган.

Кўргазма шу йилнинг 5 октябригача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 07.04.2010 йилда № 003681-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган (ИНН 301570501) «GOL-GEOL KONSALT» масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянное свидетельство о гос. регистрации частной фирмы «BUNYODKOR-OLMALIQ» (ИНН 204979632) за реест. № 1158 от 30.03.2004 г.,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Яккасарой туманида рўйхатга олинган «ROBIYA TANXO» МЧЖнинг (ИНН 300428644) устав фонди 12 880 000 сўмдан 2 860 000 сўмга камайганлигини маълум қилади. Тел.: 389-80-78.

ООО «CHILLA PLUS» Шайхантахурского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 35 506 093 сумов до 2 860 000 сумов.

Учтепа тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган «SHARF UNIPROM» МЧЖнинг устав жамғармаси 715 217 052,41 сўмдан 580 217 052,41 сўмга камайишини маълум қилади.

ЧП «PETOIL-BIZNES-PLUS» (ИНН 300325654), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства Мирабадского района г. Ташкента за реестр. № 005397-03 от 27.08.2010 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. А. Фитрат, д. 157/7, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение о добровольной ликвидации № 20/09 от 20.09.2011 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления по тел.: 234-07-98, 235-92-83.

ЧП "MUSTANG-PERSONAL" (ИНН 205611204), зарегистрированный в Мирабадском районе г. Ташкента объявляет об уменьшении уставного фонда с 933 198 156 сумов до 200 000 сумов. Претензии принимаются в течение одного месяца по тел.: 235-92-83.

Выданный диплом № 432939 в 01.07.1993 г. Гулистанским педагогическим колледжом (быв. Гулистанский педагогический училище) на имя Наталье Цой,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

РАССОМ ХАНДАСИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-942. Адади 6919. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.50. 1: 45